

МАКТАБ КУТУБХОНАСИ

И. А. КРИЛОВ

ФИЛ ВА ЛАЙЧА

(масаллар)

Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти
1983

К 81

Крылов И. А.

Фил ва Лайча, (Масаллар) / [Тўпловчи М. Худойқулов]. — Т. «Ёш гвардия», 1983. — 64 б. — (Мактаб кутубхонаси).

Крылов И. А. Слон и Моська: Басни.

P1

Қўлингиздаги тўплам буюк рус масалчиси И. А. Крыловнинг энг машҳур масалларидан ташкил топган.

Тўпловчи Мухтор Худойқулов

К $\frac{7-8-3-15}{556 (04) - 83}$ 146-83 4803010101

© Издателство «Ёш гвардия» 1983

МАСАЛ БОБОКАЛОНИ

Улуғ рус масалчиси Иван Андреевич Крилов ўз ижоди, ўлмас асарлари билан фақатгина рус адабиётидагина эмас, балки умумжаҳон адабиётида юксак ўрин тутувчи, умум-башар маънавият хазинасига бебаҳо дурдоналар қўша олган улкан санъаткордир.

И. А. Крилов 1769 йилнинг 2 феввалида оддий рус ҳарбий хизматчиси оиласида туғилган. Ёшлигидаёқ етим қолган бўлажак шоир оғир машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтди. У дастлаб оддий идора хизматчиси бўлиб ишлади, крепостной Россиясининг оғир муҳитини бошидан кечиради, жоҳил ва мустабид помешчикларнинг зулми остида эзилган меҳнаткаш халқнинг аянчли аҳволини ўз кўзи билан кўради. Ёш Криловда халқнинг оғир аҳволига ачиниб, помешчикларнинг зулм-истибдодига норозилик ҳислари пайдо бўлди. Ёшлигидан адабиётга қизиққан Крилов ўз фикр ва туйғуларини адабий асарлар орқали ифода қилишга интилади. У дастлаб драматург сифатида танилади. «Кофе пиширувчи қиз», «Филомела», «Даҳлиздаги қаламкаш» каби комедияларида крепостнойлик ҳуқуқи остида эзилган меҳнаткаш халққа ўзининг меҳр ва муносабатини баён қилади, бойларнинг зўравонликларини қаттиқ ҳажв остига олади. Аммо унинг ҳақиқатни тасвирловчи комедиялари ҳукмронларга ёқмайди, улар саҳна юзини кўрмайди. Шундан сўнг И. А. Крилов ўз фикр ва фикрларини тарғиб қилиш учун бошқа воситадан — матбуотдан фойдаланишга ҳаракат қилади — у журналистика билан шуғуллана бошлайди. Крилов Петербургда «Арвоҳлар почтаси», «Томошабин», «Санкт-Петербургский Меркурий» деган журналлар нашр этади... Мазкур журналларда у талантли публицист сифатида ўз мақолалари, шеърлари, рецензиялари билан актив қатнашади.

Табиики, Криловнинг ҳурлик ва эркинликни қўмсовчи фикрлари ҳукмрон табақани даҳшатга солади. Натижада Криловнинг ҳар учала журнали ҳам ёпиб ташланади ва журналистнинг ўзи қаттиқ полиция назорати остига олинади. Крилов Петербургдан кетиб, бошқа шаҳарларда сарсон-саргардонликда юришга мажбур бўлади. Унинг адабий ижод қилишига ҳар томонлама тўсқинлик қилинади. Аммо ўз халқини жондан севган, унинг куч-қудратига, келажакига ишонган Крилов ўз қаламини қўлдан қўймайди. Эндиликда у душманга билдирмасдан зарба берадиган қурол — масал жанрини танлаб олади ва бу ўлмас жанрда ўз абадиятини топади. Шу нарса характерлики, Иван Андреевич Крилов

қирқ ёшларида масал ёза бошлаган. Унинг биринчи масаллар китоби 1809 йилда, яъни адиб қирқ ёшга тўлганда бо-силлиб чиқади ва у тез орада зўр масалчи сифатида ҳаммага танилади. Масал жанри Крилов ижодининг тилло тожи бўлди. Бу жанр Криловга ватанпарварлик ҳисларини, меҳнаткаш халқнинг ҳаёти ва келажаги билан чамбарчас боғлиқ бўлган ўз фикр ва туйғуларини, ҳур ва эркин фикр-ғояларини усталик билан, «қизим сенга айтаман, келиним сен эшит», қабилда айта олиш имкониятини берди. Крилов ўзининг масалларида эксплуататор синф томонидан вужудга келтирилган иллатлар — ҳасадчилик, ёлғончилик, хушомадгўйлик, енгилтаклик, нодонлик, худбинлик ва бошқа қусурлар устидан кулади.

Маълумки, масал кўп қадимий жанрдир. Криловгача ҳам кўп масалчилар ўтган. Аммо Криловнинг буюк хизмати шундаки, у мазкур унутилаёзган, ҳеч ким унчалик эътибор бермай қўйган жанрни қайта тирилтирди, уни бадий ижоднинг юксак чўққисига кўтара олди. Криловнинг бу хизматига қойил қолган улуғ рус ёзувчиси Н. В. Гоголь бу ҳақда «У ўзига ҳеч ким назар-писанд қилмайдиган, эски, ҳеч нарсага ярамайдиган, деярлик болалар ўйинчоғи деб ҳисобланадиган масал формасини танлаб олди ва мазкур формада халқ шоири бўлиб кетди», деб ёзган эди.

Крилов масалга хос бўлган анъана — ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар учун характерли хусусиятлар, масалан, бўрининг ваҳшийлиги, тулкининг айёрлиги, сичқоннинг қўрқоқлиги, хуллас, табиийликни сақлаган ҳолда, ҳаётдан олинган, бадий жиҳатдан умумлаштирилган образлар яратадики, китобхоннинг кўз олдида масалда нақд қилинаётган жонворлар билан бирга инсонлар ҳаёти ҳам яққол намоён бўлади. Масалда икки элемент мавжуд бўлиши лозим, биринчидан, қаҳрамон қилиб олинган жонворларнинг ҳатти-ҳаракати табиий чиқиши, ана шу образлар орқали ифода этилаётган инсонлар ҳаёти, улар билан боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий масалалар бир-бири билан узвий уйғунлашиб кетиши шарт. Крилов масалларида ана шу уйғунликни, бирликни кўрамаиз.

Крилов масалларининг яна бир фазилати шундаки, уларда халқ руҳи, характери билан бирликда халқнинг бой ва серқирра, бурро тилидан ниҳоятда усталик билан фойдаланилган. Крилов рус классик адабиётида биринчилардан бўлиб адабий тилни халқ жонли тили билан бирлаштиради. У халқ тилидаги жавоҳирларни — мақол ва маталларни, ҳикматли сўзларни, доно фикрлар айтилган

ифодаларни қидириб топди, сайқал берди ва янги жилода яна халққа қайтарди.

Криловнинг масаллари дунёдаги олтмишдан ортиқ тилларга таржима этилган. Ўзбек тилига таржима қилиниши ҳам хийла узоқ тарихга эга. Улуғ Октябрь революциясидан олдинроқ Крилов масаллари ўзбек тилига таржима қилинган эди. Ўзбек совет шоирларининг Крилов масалларини ўзбек китобхонига таништиришда хизматлари каттадир. Атоқли адибларимиз Ойбек, Ғафур Ғулом Крилов масалларининг илк таржимонлари бўлдилар. Отахон шоиримиз Миртемир ва шоир Шукур Саъдуллалар ҳам адиб масалларини таржима қилишда катта меҳнат сарфладилар. Шу билан бирликда шоирларимиздан Уйғун, Туроб Тўла, Саъми Абдуқаҳҳор ва ушбу сатрлар автори ҳам Криловнинг бир қатор масалларини ўзбек тилига таржима этишди.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ,
филология фанлари кандидати

**ЯПРОҶЛАР
ВА
ИЛДИЗЛАР**

Чиройли бир ёз куни
Япроқларда ёз куйи,
Шамолларга шивирлашиб, япроқлар секин.
Кўркам, гўзал яшиллик-ла мақтанишарди,
Қувонч билан уқдирарди бари ўз ҳуснин:
«Биз эмасми, бу водийнинг яшил дилбари,
Дарахт бизсиз бўлармиди шундай улуғвор,
Кўм-кўк тожли ва шохдор,
Биз бўлмасак, дарахт нима?
Дарҳақиқат, биз —
Ўзимизни мақташга бутун ҳақлимиз!
Биз эмасми, йўловчига, чўпонга салқин,
Қучоқ очиб бағишлаган ором ва роҳат,
Биз эмасми, ҳусни билан қишлоқ қизларин
Ўйин учун ўз бағрига тортган ҳар соат?
Тонг чоғлари бизга келиб сайрайди буткул
Хуш овоз булбул.
Ҳа, шамоллар, сиз ўзингиз ҳам
Айрилгингиз келмайди бир дам».
Ер остидан товуш чиқди, баргларга деди:
«Бизларга ҳам пича раҳмат дейилса эди».
Шунда дарахт япроқлари кўтарди шовқин:
«Қайси сурбет такаббурлик билан гапирган!
Ким у биз билан —
Бундай дағал муомала қилади бугун?»
Пастдан япроқларга жавоб берилди шундай:
«Биз — илдиз,
Қоронғи ер остида ишловчилармиз,
Наҳотки, сиз танимайсиз?
Овқатни сизга

**Биз берамиз. Яйраб-яшнаб гуллайсиз бизда,
Лекин билинг,**

**орамизда шундай бир фарқ бор:
Янги-янги кўк япроқлар унар ҳар баҳор,
Аmmo-лекин қуриса илдиз —
На дарахт қолар ва на сиз».**

**ФИЛ
ВА
ЛАЙЧА**

Халойиққа бир кўрсатиб қўйиш-чун,
Кўча бўйлаб фил етаклаб ўтдилар.
Маълумдирки, фил — бизда ноёб нарса,
Шунинг-чун ҳам бир тўп дайди оломон
Фил кетидан санқиганча кетдилар.
Қаердандир, лип этдию кўрсангиз,
Рўпарадан бир Лайча чиқиб қолди.
Филни кўрар-кўрмас унга ташланиб,
Худди бориб у билан ғажигудай
Гоҳ акиллаб, ириллаб, ушлаб қолди.
«Хой, қўшнижон, тўхта, номусни тўкма,
Бу — фил ахир, — деди унга Олапар, —
Сенинг кучинг эмас унга тирғалиш,
Кўрасанми сен бўғилдинг акиллаб,
У боради бепарво илгарилаб,
Сенинг ҳуришингдан тамом беҳабар».
«Эҳ! Эҳ! — деди Лайча бунга жавобан, —
Мен ҳам худди шуни жондан кутганман,
Ҳеч қанақа ҳуриш ғавго қилмасдан
Жанжалкаш деб кўтараман улуғ ном,
Майли айтсин мени кўрганда итлар:
«Баракалла, Лайча, жуда паҳлавон,
Ҳура олар ҳаттоки филга томон».

ДЕҲҶОН БИЛАН ҚАРОЛ

Бошимизга бало ёғилган замон —
Ёрдамга келганнинг ҳақиға дуо —
Қилишга тайёرمىз. Ва лекин бало
Даф бўлдимиз ёрдам бергани шу он
Ўзимиз балога дучор қиламиз:
Уни биз шу ишда айбдор биламиз.
Бордию гуноҳсиз бўлиб чиқса у,
Ишонинг, энг улуғ мўъжизадир бу.

Бир деҳқон кечқурун Қароли билан
Пичанзордан уйга, қишлоққа томон
Ўрмонни оралаб борарди, — бирдан —
Дуч келиб қолдилар Айиққа. Шу он —
Айиқ миниб олди деҳқон устига
Ва уни эзгилаб, юмдалаб қолди.
Шу дамда тушдию жоннинг қасдига,
Деҳқоннинг дилига таҳлика солди.

Чол қўпол Айиқнинг остида ётиб
Ва даҳшат ичида эсин йўқотиб,
Қарол Степанга ялинди: «Қутқар!
Ёрдам қил, азизим, бўш келма зинҳор!»
Қарол бор кучини тўплаб шу замон,
Болта билан Айиқ бошига чунон —
Урдик, тиф Айиқ бошига етди,
Бу зарба ярмини учириб кетди.


Бу ҳам етмагандай шошилиб бориб,
Темир айри билан қорнини ёрди.
Айиқнинг қонини тупроққа тўкди,

Айиқ ўлди, бало даф бўлди. Дехқон —
Урнидан турдию, Қаролни сўкди:
«Ахир нега бунча шошилдинг, ҳайвон?
Ё бу қилғиликни қилдингми қасдан?
Бу нима ҳовлиқиш? Нима қилиқ, бу?
Қорнини ёришда авайламасдан
Айиқ терисини расво қилдинг-ку!

ҚУРБАҚА
ВА
ХҰКИЗ

Қурбақа ўтлоқда бир хўкиз кўрди
Ва хаёл сурди:
«Наҳотки Хўкиздай зўр бўлолмасам,
Катталикда унга тенг келолмасам?»
Ичи қора, ҳасадчи эди ўлгудай,
Хўкиз савлатига суқи киргудай.
Ахир андишани бутун ташлади,
Қорнига дам бериб пуфлай бошлади.
Зўр бериб урунар, тиришар эди,
Ҳар дам бир ҳурпаяр ва шишар эди.
Хириллар, пихиллар, тўхтамас лекин,
Қавара бошлади жуда ҳам секин.
«Қалай», — дер дўстига, ўзи қийноқда.
У дер: «Сен қайдаю, Хўкиз қаёқда».
«Тўхтаб тур, мен яна кучаниб боқай.
Хўш, энди ўзинг айт, сал ўхшапманми?»
Дўсти жавоб берар: «Жонимни қоқай,
Хўкизга ўхшамоқ осон эканми?»
«Қани, энди кўр-чи!»
«Бирдай ҳали ҳам!»
Кучаниб, ҳансираб ҳамон берар дам,
Ниҳоят жуда ҳам ошди пуф зўри,
Тарс ёрилиб кетди — бор экан шўри.
Хўкиздай бўлай деб у ҳаром ўлди,
Ҳасад оқибати — мана шу бўлди.

Тушунган одамга бу масал — таёқ:
Кўрпангга қарамай, узатма оёқ!
Беҳуда кучанмоқ ўз жонингга ёв —
Нотавон кўнгилга қўтир жомашов.



БҮРИ
ВА
ҚҰЗИЧОҚ

Дарахтнинг мўртини қурт ейди доим,
Тарихда мисоллар жуда кўп бунга.
Тарих тўғрисида қолайлик-да жим,
Бир эртак сўйлайлик, қулоқ бер шунга.

Ёзнинг иссиқ бир кунида
Қўзи борди сув ичгали.
Ўз жонига қасд қилгандан
Ҳабари йўқ унинг ҳали.
Ўша жойда оч бўрининг
Юрганини билмайди у.
Шу чоқ бирдан рўпарадан
Бўри чиқиб қолади-ку!
Ўз ишига оз бўлса ҳам
Қонуний тус бермоқ бўлиб,
Қичқиради қўзичоққа —
Икки кўзи қонга тўлиб:
«Сен ифлосни мен биламан!
Тумшуғингни сувга тиқиб,
Тоза сувни булғатасан!
Сув юзига қолар чиқиб
Тагидаги ҳамма лойлар,
Тоза бир сув ичолмайман
Бу ариқдан йиллар, ойлар!
Бу ишингга чидолмайман,
Тутиб олиб бир ямлайман!..»
Қўзи деди: «Эй, ҳурматли,
Арзимни бир тингласалар,
Менинг ҳеч бир гуноҳим йўқ,
Менга ғазаб қилмасалар!»

Юз қадамча пастдаман мен
Жанобингиз ичган жойдан,
Менинг асло ҳабарим йўқ
Сув бетига чиққан лойдан».
«Демак менинг гапим ёлғон?
Бу гуноҳинг ундан ёмон!
Дунёда йўқ бундай бўҳтон!
Шошма, ҳали, сен, баччағар,
Уч йил бурун жуда дағал
Бир гап қилиб эдинг менга!
Кўрсатаман энди сенга!».
«Ўтган йили туғилдим-ку?»
«Ундай бўлса, акангдир у!»
«На акам бор, на укам бор».
«Гап қайтарма, эй баччағар!
Уруғингдир, аймоғингдир,
Бирон оғзи маймоғингдир.
Улардан ҳам тонасанми,
Тонмоқ шунчалик осонми?
Сиз ҳаммангиз бир бўласиз!
Доим менга қасд қиласиз!
Ҳамманг менга бир дардисар,
Ҳаммасига сен жавобгар!»
«Тақсир, менинг айбим нима?»
«Жим тур энди, кўп гапирма!
Суриштириб ўтиришга вақтим борми?
Қорин очса, овқат бўлса — танланарми?
Айбинг шуки — учраб қолдинг қорним
очганда!»
Шундай қилиб, қўзичоқни еди ўрмонда.

ҚАРҒА БИЛАН ТУЛКИ

Хушомадга учмоқ — қабоҳат, зарар,
Неча бор айтмишлар буни донолар.
Қилинмаски амал, бари бефойда,
Доим ҳушомадгўй пичоғи мойда.
Қарға бир кун аллақайдан
Жиндак пишлоқ топиб олди.
Қўноқ танлаб қарағайдан
Емоқчийди, ўйлаб қолди.
Бахтга қарши ўша ердан
Ўтиб борар эди Тулки.
Пишлоқ ҳидин сезиб бирдан
Жойида тақ тўхтади-ку:
Қарайдики — луқмаи пок
Турар Қарға тумшуғида,
Тулки, ахир, азалданоқ
Мазахўрак бунга жуда.
Аста келди дарахт томон
Дум ўйнатиб уён-буён,
Ўзмай сира Қарғадан кўз,
Тамшанганча бошлади сўз:
«Айланайин, дўмбоққинам!
Қоши-кўзи мунчоққинам!
Бирам гўзал пату-болинг,
Бўйинларинг, қадди-долинг,
Таърифига сўз йўқ нетай,
Гиргиттонинг бўлиб кетай!
Туришларинг офатижон,
Тумшуқларинг нафис бирам,
Сендай қушни ҳеч бир замон

Кўрмагандир Боғи эрам.
Фариштадан аълодирсан,
Қуйлашда ҳам балодирсан?
Бир сайраб бер қароққинам,
Роҳат қилсин қулоққинам,
Тортинмасдан бошла, қани,
Қушлар шоҳи дерлар сени!»
Бу мақтовдан бўлиб шодмон
Қарга «қағ!» деб оғиз очди,
Пишлоқ ерга тушган ҳамон
Айёр Тулки олиб қочди.

ЧИТТАК

Бир кун денгизга йўл олиб Читтак
Мақтанди қиттак:
Гўё у денгизга ўт қўяр эмиш.
Бир зумда оламини тутди бу «миш-миш».
Денгиз жондорларин босди ваҳима,
Қушлар гала-гала учар бу томон,
Ўрмондан жонворлар югурган, ҳамма —
Кўрмоқчи — қандайин ёнаркан уммон.
Текин зиёфатнинг ишқибозлари,
Етиб келишганмиш қирғоққа бари,
Бир нарсадан қуруқ қолгандек шошиб,
Бари қўлларига ушлашиб қошиқ,
Татиб кўрайлик, деб балиқ шўрвадан,
Шўрваки, масаллиқ мўл-кўл шу қадар,
Хаттоки учига чиққан савдогар —
Мижозларига ҳеч тортиб кўрмаган.
Ҳамма жим, мўъжиза кутганча ҳайрон,
Туришар, денгиздан кўз олмай, маҳтал.
Фақат ҳар замон —
«Ҳозир ёнади», — деб кимдир пичирлар.
Лекин мўъжизага ҳеч ким қонмади,
Денгиз ёнмади.
Бу дабдаба, эрмак — не-ла бўлди ҳал?
Читтак жўнаб қолди юз шувут, ўсал,
Оламга тарқатиб беҳуда шов-шув,
Бироқ денгизга ўт қўёлмади у.
Бермасдан бировнинг шахсига озор,
Лозим кўрдим сизга шуни айтишни:
Билинг — илло-билло мақтаниш бекор,
Қойил қилмай туриб бирорта ишни.

ОҚҚУШ, ЧҰРТАН БАЛИҚ ВА ҚИСҚИЧБАҚА

Ўртоқлар ўзаро бўлмаса иноқ,
Уларнинг ишлари унмайди мутлоқ.
Иш ўрнига фақат ортади ташвиш.

Бир кун Қисқичбақа, Чўртан ҳам Оққуш
Юкли аравани тортмоқ иташди.
Унга учов қўшилиб, юра башлашди:
Зўр бериб уринди ҳарчанд уч ўртоқ,
Арава енгил-ку, силжимас бироқ!
Сабаб: Оққуш кўкка қилади парвоз,
Қисқичбақа ортга тисланар оз-оз,
Чўртан балиқ сувга шўнғиш пайида.
Ким ҳақу ким ноҳақ — ҳукм этмаймиз,
Лекин юк қўзғалмас жойидан ҳануз!

ДУБ ДАРАХТИ

ВА

ЧҮЧҚА

Катта қари Дуб дарахти тагида
Очкўз Чўчқа ёнғоқни хўп ошади,
Тўйиб-тошди ҳам ухлади сояда,
Кейин туриб ўзича иш бошлади:
Тумшуқ билан қазди дарахт илдизин,
Бутоқдаги Қарға унга гапирар:
«Ҳай, бу ишинг дарахт учун кўп зарар,
Илдизларин очсанг — дарахт қурийди».
Чўчқа дейди: «Майли, қурир, йўқ ишим,
Бу дарахтинг нима? Ғамин ким ейди?
Мен унинг ҳеч фойдасини билмайман,
Ачинмайман бутунлай чириса ҳам
Менга фақат ёнғоқлари керакдир,
Семираман ёнғоқларин еб ҳар дам».
«Нонкўр чўчқа! — деди Дарахт шу замон, —
Тумшуғингни кўтаролсанг юқори,
Билар эдинг бу ёнғоқларнинг бари —
Шохларимда ўсиб, пишар, бегумон.»
Нодон, жоҳил одам шундай бўлади,
Илму фанни, маърифатни сўкади.
Ҳам қўл силтар барча илмий асардан,
Билмаски еганин у мевалардан.

ГУЛЛАР

Данғиллама уйнинг очиқ деразасида,
Хонадоннинг нақшин чинни гул вазасида
Тирик гуллар билан турган ясама гуллар —
Симдан бўлган шохчаларда чайқалиб мағрур.
Барчага ўз ҳуснин кўз-кўз қилмоқчи бўлар,
Аста-секин томчилашга тушди-ку ёмғир.
Латта гуллар яратгандан ёлбориб шу он,
Ёмғирингни тийиб қўй, деб қилар шикоят.
Турли-туман гаплар билан қоралаб чунон
Дедиларки: «Э, худойим, тез уни тўхтат!
Бу дунёда нима бордир ёмғирдан ёмон.
Қара, асло кўчалардан бўлмайдди ўтиб,
Ҳаммаёқни лою кўлмак кетибди тутиб».

Аммо,

Бу бемаза илтимосни тингламас худо
Ва ёмғир ҳам ёғиб ўтди ўзин йўлида,
Жазирама кун қизигин қувди-ку жуда,
Салқинлаб ҳаво
Бўлди мусаффо —
Ял-ял бўлиб яшнаб кетди яшил табиат,
Ўтлоқларнинг кўрки-ҳусни мисоли жаннат.
Шунда, қаранг, ойнадаги ҳақиқий гуллар —
Яна кўрку чирой билан очилиб кетди.
Ёмғир ювиб, уфуришиб атру сумбуллар
Ажиб ҳиди чор атрофга сочилиб кетди.
Ҳу, ясама гуллар эса ёмғирда ивиб,
Ўчиб, титилиб,
Ўзидаги бор ҳуснини йўқотди тамом.
Ташқарига итқитилди, улласи калом.
Ҳақиқий истеъдод танқиддан қўрқмас,
Унинг гўзаллиги бебаҳо эмас.
Аммо ясамалар — бундан истисно,
Ташқарига итқитилди, хулласи калом.

Ҳақиқий истеъдод танқиддан қўрқмас,
Унинг гўзаллиги бебаҳо эмас.
Аммо ясамалар — бундан истисно,
Танқид ёмғиридан қўрқар доимо.

**ШЕР
БИЛАН
ТУЛКИ**

Шерни кўрмаганди Тулки умрида,
Дуч келиб, қўрқувдан нақ ўлаёзди.
Бир қанча вақт ўтгач, яна кўрди-да,
Бу сафар чўчимай, ўзини босди.
Бақамти келишгач учинчи марта —
Шер билан суҳбатни бошлади шартта.

Қўрққанга қўш кўринар,
Разм солсанг — билинар.

СОЯ
ВА
ОДАМ

Ўз соясин тутмоқ бўлди бир шўхроқ одам,
Ўнга қараб аста-секин қўйсаки қадам —
Олга қараб юриб кетди кўланкаси ҳам.
Қувган эди соясини яна илдамроқ,
Соя унга етказмасдан қочарди бироқ.
Қанча шошиб югурмасин тутқич бермасди,
Худди сирли хазинадек қўлга кирмасди.
Ва ниҳоят орқасига қайтди телбатоб,
Қарасаки, уни қувар сояси шитоб.

Эй, гўзаллар, бизнинг ҳақда дея ўйларсиз,
Бахту омад ўзи шундай бўлади, афсус.
Баъзи одам унга етиш қасдида ҳар вақт —
Чекар не-не қийинчилик, дарду машаққат.
Бошқаси-чи? Гўё ўзин четга уради,
Орқасидан бахту омад қувиб юради.

**МАЙМУН
БИЛАН
КЎЗОЙНАК**

Маймун қариб, хиралашиб қолди кўзи,
Эсга тушди одамларнинг айтган сўзи:
Бу камчилик — сал гап, бунинг чораси бор,
Кўз ўтмаса, тез кўзойнак топмоқ даркор.
Маймун топди кўзойнақдан анчагина,
Ҳар мақомга айлангириб кўрди мана.
Дам бошига, дам думига тақди бир-бир
Искаб кўрди, ялади, ҳеч бўлмади охир —
«Туф-е! — деди, ким ишонса ўша аҳмоқ,
Одамларнинг гапи ёлғон бошдан-оёқ:
Мен кўрмадим кўзойнақдан қиттак фойда».
Аламига чиқолмасдан ўша жойда
Ойнақларни шарақлатиб тошга урди,
Кўзойнақлар чил-чил синиб, қум-қум бўлди.

Эссизгина одамларда ҳам бор бу ҳол:
Нодон асл буюмларнинг қадрин билмас,
Ғийбатдан ҳеч тилин тиймас,
Нодон агар бўлса номдор,
Ҳайдаб солиб қилади хор.

ИТХОНАГА КИРГАН БҮРИ

Бўри тунда қўйхонага қараб йўл олди,
Қўйхона деб итхонага қамалиб қолди.
Бўри ҳидин сезиб итлар кўтарди сурон,
Ҳар тарафдан талашмоқчи дарров, беомон,
Итбоқарлар шовқин солди: «Ўғри келди! Ҳой!
Эшик-тешик беркитилди, қолмади ҳеч жой!
Бир нафасда итхонада тўсу тўполон,
Милтиқ, таёқ ола чопди барча шу замон.
«Чироғ! Чироғ!» деб ҳар ёндан бақирришади,
Қоронғида бир-бирини чақирришади.
Чироқ ёқиб итхонага бари киради,
Бир бурчакда думин қисиб Бўри туради.
Жуни хурпак, шақ-шақ уриб қайрар тишини,
Еб қўйгудек кузатади ҳамма кишини.
Аммо бундай қарасаки, подада эмас,
Қўйлар учун хун тўловчи охирги нафас.
Шунда дарҳол музокара бошлайди маккор:
«Биродарлар, бунча шовқин нимага даркор.
Мен сизларнинг энг қадрдон эски қудангиз,
Жанжал эмас, ярашмоққа келдим, билсангиз.
Ўтган ишни унутайлик, бўлсин мураса,
Бундан кейин мен қўйларга тегмайман сира.
Ҳам бировга теккизмайман, бўлинг хотиржам!
Бўрилигим номи билан ичаман қасам,
Ортиқ...» «Бас қил, — деди Овчи унга жавобан, —
Сен муғамбир бўри бўлсанг, мен қари қувман.
Бўри феъли кўпдан бери менга хўп аён,
Ҳозир сенга одатимни қилайин баён:
Бўрилар-ла қиладурман шундай мураса —
Тириклайин териларин шиламан роса», —
Деб бўрига итларини қўйиб юборди.

ХЎРОЗ
ВА
ИНЖУ ДОНАСИ

Хўроз ҳадеб гўнг титкилар эди,
Тоғиб олди-ку бир дона Инжу.
Ўзича деди:
«Нега керак бу?
Қандай бемаъни фойдасиз буюм,
Бекор титибман гўнг уюм-уюм,
Тентаклар борки, буни суйишар,
Ҳаттоки қиммат баҳо қўйишар.
Менга нима бу — нимага даркор,
Тоғиб олсайдим бир дона арпа,
Ҳеч бўлмас эдим бунчалик хафа.
Тўғри, арпада инжу кўрки йўқ,
Лекин жиғилдон бир оз бўлар тўқ».

Нодонлар борки, тентак хўроздай
Фикр қуради,
Асли буюмнинг қадрин билмай,
Ерга уради.

**ШЕР
ОВДА**

**Ит, Шер, Бўри ва яна Тулки
Яшардилар қўшни бўлишиб.**

Улар ўзаро

Қилмай можаро

Бир битим тузишди: мазмуни шуки —

Ҳаммалари бирга овлашиб ҳайвон,

Дарров ўша он —

Ўлжани бўлишар арра қилишиб.

Тулкининг ошиғи келдию олчи,

Тутиб олди семиз кийикни бир кун.

Сўнгра дўстларига юборди элчи:

Ўлжани бирликда баҳам кўриш-чун

Ҳамма етиб келди. Келдилар Шер ҳам,

Ўткир тирноқларин уқалаб, қашлаб,

Шерикларга совуқ назарин ташлаб,

Ўлжа тақсимлашга киришди шу дам:

«Хўш, биз тўртовлан-а?— дея Шер, шартта

Бечора кийикни қилди тўрт нимта.

«Энди бўлишайлик! Ҳаф туринг пича!

Манов нимта менга — битим бўйича.

Мановиси — эса Шерлигим учун;

Мана бу ҳам менга — зўрлигим учун;

Қолганига кимки қўл чўзса агар —

Шу турган жойда тил тортмай ўлар!»

ВАРРАК

Уйинчоқ Варрак

Учирилган эди осмон — фалакка,
Юқоридан пастга гердайиб қараб
Қўзи тушди гулда бир Капалакка.

«Қара-я, кўраяпман мен сени элас, —
Дея қичқирди у, — албатта сен ҳам —
Мендайин учишни қиларсан ҳавас?»

«Ҳеч ҳавас қилмайман, ростини айтсам, —
Деди Капалак унга, — мақтанма бекор.

Тўғри, сен ўйнайсан баландда учиб,
Аммо бил: бурнингдан ўтказилган ип.

Бундай ҳаёт эса — ҳаётмас зинҳор.

Жойим пастроқдадир, гарчи, мен эсам
Бемалол учаман қайга хоҳласам;

Мен сенга ўхшаб —

Бировнинг беъмани эрмаги учун

Пириллаб учиб —

Қилмайман умримни беҳудага сарф».



НИНАЧИ ВА ЧУМОЛИ

Ниначи шух куйлаб чалди соз,
Сайларда ўтди гўзал ёз.
Томошадан бўшай демади,
Қиш ғамини сира емади.
Шундай... босиб келди қора қиш,
Улгурмади, қолди кўп юмуш.
Далалар бўш энди, йўллар жим,
Изғиринда йўқламас ҳеч ким.
Ҳар барг соясида сайл йўқ,
Уй излашга дармон, майл йўқ.
Кунлар совуқ бошланди очлик,
Ниначини босди муҳтожлик.
Оч қоринга қўшиқ на ҳожат,
Ниначи ҳам сизди ҳалокат.
Ваҳм тушди ширин жонига,
Чумолининг келди ёнига.
«Ёмон кунга қўйма, ўртоқжон,
Токи йиғиб олайин дармон.
Ёз келгунча мени оч қўйма,
Аёзларда яланғоч қўйма».
«Ҳайрон бўлдим! Нега руҳинг бўш.
Ишлабмидинг ёз чоғида, хўш?» —
Доб сўради ундан Чумоли.
«Вақт бормиди, — дер иш қилгали,
Майсазорда мен чалиб сурнай,
Тараллаю-ялла ҳар нафас,
Хаёлимга қиш келган эмас».
«Ҳали шундай дегин?»
«Ҳа, шундай,
Қўшиқ айтиб ўтдим ёз бўйи».
«Қўшиқ айтиб? Ажаб бўлипти,
Энди ўйин тушмоқ қолипти».

ЧҮРТАН БАЛИҚ ВА МУШУК

Иш чатоқдир гар этикдўз сомса пиширса,
Сомсапаз-чи, қўлда бигиз — косиблик қилса,
Бунақада иш орқага кетиши тайин.
Ахир, атайин —
Бундай ҳоллар кўп марталаб синаб кўрилган.


Ким бировнинг ҳунарига қўл урар экан —
Бошқаларга қараганда бўлади саркаш
Ва ҳар қандай иш деганни бузади яккаш.
Билмаганни билганлардан сўраш ўрнига,
Беҳудага у ҳаммага қолар кулгига.

Уткир тишли Чўртан балиқ қилдики орзу —
Мушукларнинг ҳунарини эгалласа у.
Билмадик, ё шайтон ҳасад ўтин ёқдимиди,
Ё бўлмаса балиқ ейиш жонга тегдимиди.
Ишқилиб у Мушуквойдан қилди илтимос:
Узинг билан олиб кет, деб сичқон овига.

«Э, қўявер, оғайнижон, сичқон экан-ку,
Дер Мушук унга, —
Тагин яна кулги бўлиб ўтирма, ошнам,
Мақол бор-ку — қассоб сўйсин чўмчуқ сўйса ҳам».
«Э, қўявер, оғайнижон, сичқон экан-ку,
Ундан катта балиқларни овлаганмиз биз».

«Ундай бўлса, қани, кетдик!» Йўл олишиб тез
Омбордаги сичқонларни пойлашди икков.
Қорнин тўқлаб, кўнглин хушлаб ўша соатда
Мушук шошар ошнасидан олгани ҳабар.

Қарасаки, Чўртан ётар ўлар ҳолатда,
Бўғилганча оғзин «кап-кап» очару юмар.
Каламушлар думин тамом кемириб кетган.
Жўрасининг аҳволини Мушук кўраркан
Беҳуш ҳол уни яна ҳовузга судрар.
Ажаб бўлди! Сенга бу иш сабоқдир Чўртан,
Бундан буён иш қила кўр сен калланг билан.
Тўғри келмас экан сенга сичқон овламоқ,
Ҳар ҳунарнинг ўз сири бор, буни англаб боқ!



ИТ
БИЛАН
ОТ

Қайси бир деҳқоннинг Ити-ла Оти
Негадир тортишиб қолишди бир кун.
«Ҳа, бойвучча,— деди, Ити сўз отиб,—
Менга қолса сени ҳайдардим бутун.
Юк ташиш, ер ҳайдаш—нимаси қийин?
Бошқа бирор ишни билмайсан, тайин.
Менга тенглашишга сенга йўл бўлсин?
Хоҳ кеча, хоҳ кундуз олмайман ҳеч тин,
Кундузи ўтлоқда подага қараб,
Тунлар ухламайман уйни қўриқлаб».
«Албатта,— деди От,— гапларинг тўғри,
Сен борки, бу уйга киролмас ўғри.
Лекин агарда ер ҳайдамасам мен—
Бунда нимани ҳам қўриқлардинг сен?»

**БҮРИ
ВА
КАККУ**

Бўри Каккуга дер: «Яхши қол, қўшни,
Бекор бунда излаш роҳат турмушни.
Уша одамлару, шу итлар ҳамон,
Бир-биридан ўтган ёвуз ва ёмон.
Малакдай бегуноҳ, тоза бўлсанг ҳам,
Жанжал ва ғавғосиз қўймайдир бир дам».

Какку дер: «Хўш қайга жўнамоқчисан?
Роҳатни қаердан ҳам топмоқчисан?
Сен айтган тотув эл бор экан қайда?»
«Жуда узоқларда, қалин тўқайда.

Ажиб тўқай эмиш... Тинчу осуда,
На уруш, на ғавғо, жанжал йўқ унда.
Одамлари қўйдаи ювош, мулойим,
Наҳрида мавж уриб сув оқар доим.
Ҳамма бир-бирига дўсту оғайни,
Бири куёв бўлса, бириси қайни.

Ҳаттоки итлари қопишни билмас,
Беҳуда вовиллаб чопишни билмас.
Қисқаси: бахтиёр кечар олтин вақт!
Тушда бир кўришнинг ўзи катта бахт!
Ёмонлик соғинмай ёд эт, яхши қол.

У томонда умр кечажак хушҳол
Тўю-томошалар, роҳат ва маза,
Бундагидай бўлмас ҳар кун даҳмаза,
Кундуз ҳадиксираш — тўрт ёнинг хатар,
Кечалар уйқусиз, кундуздан баттар!
«Оқ йўл, — деди Какку, оқ йўл, кадрдон!

Лекин кетар бўлсанг у тўқай томон—
Қоқиб ташлармисан бу тишларингни,
Қўярмисан ёмон, шум ишларингни? »
«Тишларимни қоқай? Бекорчи гиринг!»
«Демак, у ерда ҳам шилинар теринг!»

Кимнингки қилиғи совуқ бўлади,
Ҳасрату гийбатга ёвуқ бўлади.
Якка ўзи яхши, гўё дўст тутмас,
Ўзи ҳам бировдан яхшилиқ кутмас.

БУЛУТ

Қуёшда қовжираб ётган кенг дала —
Устидан булутлар карвони ўтди.
Лекин бир томчи ҳам ёғмайин кетди
Ва денгизга бориб тўкди у жала.
Булут Тоққа қараб: «Мен сахий!», — деди
Тоғ деди: «Бунақа сахийлик бекор,
Бу нима қилганинг, жиндак хайринг йўқ.
Шу далага ёғиб ўтсайдинг агар,
Катта бир вилоят бўлур эди тўқ.
Денгизда сенсиз ҳам сув етар эди!»

БҮРИ

ВА

ЧЎПОНЛАР

Ўтар экан Бўри қўтон ёнидан,
Пахса ёригидан кўрдик шу он —
Энг семиз қўчқорни танлаб подадан,
Бемалол бўғизлар уч-тўртта чўпон.
Жимгина ётарди чўпон итлари.
Ўзича дер Бўри, кетаркан нари:
«Агар бу ишни мен қилганимда-ку —
Кўтарар эдингиз қанчалик шов-шув».

ҚАРҒАЧА

Бургут осмондан шўнғиганича
Бир қўзини илиб кетди сурувдан.
Кўриб турган эди буни Қарғача,
Унинг ҳам ҳаваси келдику бирдан.
Лекин бошқачароқ сурди у хаёл:
«Олганга яраша тузукроғин ол,
Осилсанг — осил-да, баландроқ дорга,
Бургутман, деб юрган экан бекорга.
Нима, дўрустроқ қўй қуриб қоптими?
Қаранг, келиб-келиб шуни оптими?
Мана, мен хоҳласам шартта учаман,
Қулинг ўргилсинин олиб қочаман».
Деб сурув устида учдида Қарға
Очкўз назарини солди қўйларга.
Кўзидан ўтказиб қўйди-да бир-бир,
Ниҳоят бир қўйни таялади охир.
Яна қандайи денг: бўрдоқи, зўри,
Эплай олмас ҳатто човт солса бўри.
Қарғавой мўлжаллаб ташланди унга,
Чангалин ботирди бор куч-ла жунга.
Шундагина билди бўлганин аҳмоқ,
Устига устак қўй жунлари пахмоқ
Росаям ҳўрпайган, кўрпадай қалин,
Қани суғуролса энди чангалин
Ва қанотли бебош — Қарға — қаҳрамон
Ўзи қўлга тушиб қолди шу замон.
Қўйчивонлар қўйдан ажратиб аста,
Қанот-қуйруғини юлиб бирпасда —
Беришди болалар учун эрмакка.
Инсонлар аро ҳам учрайди бу ҳол:
Катта фирибгарга кичик фирибгар —
Ўхшашга ҳаракат қилса-чи агар,
Каттаси қутулиб кетар бемалол,
Фақат кичкинаси қолар калтакка.

ХАСИС
ВА
ТОВУҚ

Дерлар хор бўлади хасис охири,
Чунки у бориға қилмай қаноат,
Бўлган сари бўлсам, деб ўйлар фақат.
Аммо икки бўлмас ҳеч қачон бири.
Бунга мисол ўйлаб ўтирмай узоқ —
Бир чўпчак айтайин, қулоқ солиб боқ:

Бир киши бўларкан ўтган замонда,
Йўқ экан унинг ҳеч касбу ҳунари.
Аммо молу дунё кўп экан унда,
Сандиқларда тўла олтину зари.
Сабаб: бўлар экан унда бир товуқ,
Шундайин товуқки — ҳеч баҳоси йўқ.
Туғиб берар экан у ҳар кун тухум,
Оддий тухум эмас — нақ олтин тухум.
Бошқа-ку, шунгаям шукр қиларди,
Аммо хасис нафси қачон тўярди?
Оқиб турган бойлик кўринибди оз,
Ўйлабди: «Товуқни сўйсам бўлар — соз,
Юраманми бекор, қутқилаб, чидаб,
Хазина бор дейман унинг ичида...»
Шундайин қасд қилиб ношукур банда
Товуқнинг бўйнига тортибди пичоқ.
Хазина ахтариб титкилаганда —
Чиқибди ичидан жўн ичак-чавоқ...

ФАЛОКАТ БОСГАН ДЕҲҶОН

Бир Деҳқоннинг уйига
Кечаси ўғри кирди.
Ҳовлисию омборин
Титкилаб бирин-бирин,
Нима кирса қўлига —
Ҳаммасини шипирди.
Ўғрида борми виждон? —
Бечора бизнинг Деҳқон
Бой ётиб, гадо турди,
Қип-қизил хонавайрон.
Энг ёмон душманинг ҳам
Кўрмасин бундай кунни.
Деҳқон чекар ғам-алам,
Бош ерда, эгик бўйни,
Тўплади ошноларин,
Хешу ақраболарин,
Деди: «Айтинг, не қилай,
Бошимни қайга урай?»
Шунда деҳқонга ҳар ким
Маслаҳат бера бошлар,
Дўсти Кирпич бош қашлар:
«Айтмовдимми сенгаким —
Солма, деб элга роса
Бойлигиндан овоза».
Климич деди: «Қуда,
Омборингни сен жуда —
Уйингдан узоқ қурма,
Кейин аттанг, деб юрма».
«Омбор-ку, майли, гўрга, —
Гап қотди қўшни Фока, —

Сенга соқчи ит керак,
Туғди мендаги кўпкак,
Бир кучукни ола қол,
Қўшним учун бемалол,
Бир яхшилик қилайин,
Дарёга ташламайин».
Хуллас калом, дўст-ёрдан
Чиқди минг хил маслаҳат.
Аммо қанийди ёрдам?
Ёрдам чиқмади фақат.

Бошингга иш тушса дўстларни сина,
Оласан улардан маслаҳатгина.
Ҳақиқий ёрдамдан агар сўз очсанг,
Энг яқин ўртоғинг бўлар гунг, гаранг.

ДЕҲҶОН ВА ИЛОН

Деҳқоннинг олдига келди-да Илон,
Дер: «Иноқ яшайлик энди, қўшнижон!
Бундан буён мендан чўчимагин сен,
Қарагин, бутунлай бошқачаман мен:
Баҳор теримни ҳам ўзгартдим ҳатто».
Илоннинг сўзига ишонмай Деҳқон
Қўлига болтани олди-да шу он
Дедики: «Ўзгарган бўлса-да теринг,
Барибир эскича — ёвуздир дилинг» —
Ва Илон бошини янчди у шартта.

Мабодо ишончни йўқотсанг агар,
Минг ниқоб ўзгартир, бари бир бекор.
Алдашнинг фойдаси бўлмас мутлақо,
Худди Илон каби оласан жазо.

ҚҶЙЛАР ВА ИТЛАР

Қарангки, қайси бир қўй подасида
Очкўз бўрилардан асраш қасдида —
Оширилди соқчи итларнинг сони,
Ахир, йўқ бу ишнинг ёмон томони,
Лекин кўпайдики Итлар шу қадар —
Энди бўрилар-ку солмас хавф-хатар,
Аммо овқат ейди Итлар ҳам ахир,
Олдин Қўйлар юнгин гажишди тақир,
Кейин чек ташлашиб, терин шилишди,
Попада энди —
Бор-йўғи беш-олти Қўй қолган эди —
Уларни ҳам Итлар еб битиришди.

**БҮРИ
БИЛАН
ТУЛКИ**

Тулки товуқ гўштин роса тушириб,
Қолганин эрталик учун яшириб,
Ухлай деб ётганди ғарам олдида,
Тўсатдан оч Бўри келиб қолди-да —
Дедики: «Аҳволим кўп ёмон, ўртоқ,
Тополмадим ҳатто қуруқ сўнгак ҳам,
Очликдан батамом қуриди силлам,
Итлар қувалади, чўпонлар уйғоқ,
Билмадим, бошимни қаерга урсам».
«Ҳали шунақа де?» «Ҳа, худди шундай».
«Жуда қийналибсан, бечора ҳай-ҳай,
Емайсанми, ўртоқ, мабода пичан?
Мана, бир ғарам бор, тортинма ҳечам».
Дўстининг пичанмас, гўштдайти дарди,
Тулки яширгандан оғиз очмади,
Аммо меҳрибонлик қилдики чунон —
Бўри оч жўнади ўз ини томон.

МАЙНА

Ҳар кимда ҳам бор ўзича талант, лаёқат.
Лекин биров ютуғига кўнгли кетиб сушт,
Бу ҳунарнинг паст-баландин билмасдан дуруст—
Уша ишга уринади баъзилар, афсус.
Ундайларга бермоқчиман шундай маслаҳат:
Бўлсин десанг агар ишинг пухта жо-бажо
Юрагингдан суйган ишга урин доимо.

Бир Майна полопон бўлмай турибоқ
Саъвадай сайрашни қилганди одат.
Унга бутун ўрмон соларди қулоқ,
Ўйноқи овоз-ла куйласа ҳар вақт.
Бошқа-ку, шунга ҳам қиларди шукур,
Аммо ҳасадчийди майнача қурғур.
Булбулнинг шуҳратин эшитиб бир кун,
Хаёл қилди: «Ҳеч гап эмас, мен учун —
Ашула куйламоқ Булбул сингари,
Ундан ҳам ошириб юборай ҳали».
Сўнг сайрай бошлади Булбулга ўхшаб,
Чираниб, бор кучин Майна қилди сарф,
Гоҳ чинқириб кўрди, гоҳи хириллаб,
Гоҳида миёвлаб, гоҳи чириллаб,
Хуллас, жами қушни қилди-ку безор.
Эй, тентак Майнача, чиранма бекор —
Яхшиси, сен Саъва бўлиб сайрай қол,
Кўрдингки, Булбулдай бўлишинг маҳол...

НОШУД АЙИҚ

Деҳқоннинг арава дўғасин ясаб
Яхшигина пулга сотишин кўриб,
(Бу иш чидам, ҳунар этади талаб)
Айиқ ҳам бу ишга гўё қўл уриб
Яшамоқчи бўлди, қаранг, бир замон.
Қасиру қусурга тўлди-ку ўрмон.
Қанча дарахтларни қилса-да нобуд
Айиқвой ношуд —
Удалай олмади деҳқон ҳунарин.
Маслаҳат олай деб келди у сари:
«Сабаби нимакин, билмадим, қўшни,
Менга дош келолмас ҳар қандай дарахт,
Ҳеч бука олмадим дўғага фақат,
Ахир, сиринима, айтгил, бу ишни?»
«Сиринми? — дер деҳқон, — сабр ва чидам,
Бу нарса аслида сенда йўқ, ошнам».

ЧУМОЛИ

Бор экан бир Чумоли, жуда паҳлавон,
Бунақасин сира кўрмаган тарих.
Дерларки у (дарж этмиш ростгўй муаррих) —
Кўтарган экан бирдан икки арпа дон.
Боз устига ботиру, қўрқув билмас мард.
Қайда кўрса чувалчанг,
Тишлаб ҳолин қилар танг,
Ҳаттоки ўргимчакка дадил солар човт.
Довруғи кетган жуда
Қумурсқалар инида,
Паҳлавоннинг таърифи — тилларда дoston.
Билинг, ортиқча мақтов — ҳамиша зиён.
Аммо кўп бошқачайди бизнинг Чумоли,
Доим мақтовда эди фикру хаёли.
Ҳар қанақа лофларга ишонарди у,
Бўлиб ўз зўрлигига маҳлиё, мағрур —
Қасд қилдики, шаҳарга борса-ю, шартта
Зўрлигини намоиш этса — албатта
Қойил қоларди унга кичигу катта.
Аравасига пичан ортганди деҳқон,
Чиқиб олиб устига аста шу замон —
Шаҳарга кириб борди «Рустами дoston».
Афсус у кутгандай бўлмади аммо,
Ўйловдики, шаҳарга келган ҳамоно —
Гурро-гурро йиғилар жами оломон,
Қилиб қолайлик дея уни томошо.
Лекин ҳеч кимса унга бермай эътибор,
Ҳар ким ўз ташвиши-ю, ўз иши-ла банд.
Чумоли ҳарчанд —
Ўзига қаратай деб ҳаммани якбор —
Бир баргни тортқиларди у ёну-бу ён,
Дам эгилиб, дам турар, чиранар чунон,
Қошки бирорта одам қўйсайди қараб,
Бизнинг Чумоли полвон ниҳоят чарчаб,

Арава олдидаги кўпшак итга дер:
«Ўзинг баҳо бер,
Борми шаҳарликларда кўзу фаросат,
Шунча ҳаракатимни кўрмаса, наҳот?
Чумолилар инида
Машҳур эдим-ку, жуда»,—
Дея юзи шувут Чумоли полвоң
Йўл олди ўзининг инига томон.

Учрайди шундайин шум, масқарабоз,
Зўрман, деб оламга солса-да овоз,
Лекин аслида
Кучаяди фақат маҳалласида.

**САЪВА
БИЛАН
КАПТАР**

Саъва тушиб қолди ёвуз тузоққа,
Бечора ўзини урар ҳар ёққа.
Ешгина Каптарча олди мазаққа:
«Уятмасми, — деди, — куппа-кундузи
Илиниб қолибсан, кўз борми ўзи?
Мени алдаёлмас ҳеч кимса бу хил,
Айтган гапларимга ўзимман кафил».
Қарангки, шу он —
Ўзи ҳам тузоққа илиниб қолди.
Хўп, ажаб бўлди!
Сен бундан буён —
Бировнинг ғамидан кулма, Каптархон.

КАККУ

ВА

ХҰРОЗ

«Қандай сайрайсан, Хұроз,
Савлатдор, жаранг овоз!»
«Сен-чи, эркем Каккужон,
Сайрашинг чўзиқ, равон,
Ұрмонда қўшиқчи йўқ сендай ёқимтой ва соз!»
«Сени, қўшним, ўлгунча эшитишга тайёрман!»
«Тўсатдан, сулувгинам,
Сайрамай қолсанг бир дам,
Ұлай агар, тоқатим тоқ, кутаман!
Бошлай қолса экан, деб қон ютаман...
Қайдан бу хилда овоз?
Бундай оҳанг қайда бор?
Соф, мулойим, жарангдор...
Ҳа, наслингиз шундоқроқ: ўзи миттигина қуш,
Лекин сайраган чоғда ип эшолмас булбул ҳам!»
«Қуллуқ, қўшни, кўнглим хуш,
Агар чин дилдан айтсам,
Сен жаннат қушчасидан сайрайсан ёқимлироқ,
Эшитганлар ҳаммаси шундай мақташар иноқ».
Қайдандир учиб келган Чумчуқ деди шу замон:
«Дўстлар, бири-бирингизни мақтанг то
бўғилгунча,
Лекин куйингиз ёмон!»

Гуноҳдан жиндақ қўрқмай, уялмай Какку
нечун —
Хўрозни мақтар бунча?
Хўроз олдин Каккуни хўп мақтагани учун!

**БҮРИ
БИЛАН
СИЧҚОН**

Оч Бўри подадан бир қўйни судраб
Олиб қочди узоқ хилват ўрмонга.
Меҳмонга чорлаган эмас, турган гап,
Тилкалади кўзи тўлганча қонга.
Терисини шилиб обдон, шошилмай,
Саронжом қилишга тушди-ки, бай-бай,
Суякларини бир-бир чайнаб, кемирди,
Кўринса ҳамки гўшт — очофатга оз,
Тамом қилолмасдан, тўйиб кекирди
Ва кечки овқатта қолдириб бир оз —
Емишнинг олдида ётди чўзилиб,
Ҳазми — таом қилиб, кўзи сузилиб.
Ёнида яшовчи ушоқ Сичқонча
Қаранг, зиёфатнинг ҳидин олганча —
Ўт-ўлан оралаб биқиниб келиб,
Секин бир парча гўшт эпини қилиб —
Кавагига қараб кўтариб қочди.
Бўривой ярқ этиб кўзини очди,
Чидолмасдан бундай юзсиз толонга
Айюҳаннос солди бутун ўрмонга:
«Вой доду ҳайҳот!
Босқинчидан дод!
Ушланглар, тўсинглар каззоб ўғрини,
Талаб кетди тамом бору йўғимни!»

Шундай ҳангомани кўрдим шаҳарда:
Ҳакамнинг соатини ўғри урибди.
Ўзи-ку ғирт каззоб бўлгани ҳолда,
«Ушла ўғрини», деб додлаб юрибди.

ДАВЛАТМАНД ВА ШОИР

Катта Давлатманд-ла Шоир бир маҳал
Қилишди жанжал.
Ҳамда ҳукамолар этишсин деб ҳал —
Ҳар иков келишди қозихонага.
Шоир турар юпун, ғарибу ночор,
На эғни дурусту на чориғи бор.
Бой эса ўралиб зар — шоҳонага
Турарди безрайиб, мағрур, димоғдор.
Шоир яратганга қилди илтижо:
«Ўзинг раҳм айла, эй қодир худо!
Етиб боргай сенга бу ўтли оҳим,
Ахир, ўзинг айтгил, надир гуноҳим?
Ёшлигимдан тамом шўрдир пешонам,
На емишим тайин, на иссиқ хонам.
Бор-йўғим ҳаммаси — хаёлда холос.
Ҳолбуки, менинг бу рақибим, паққос —
Меҳнатсиз, идроксиз қийнамасдан жон —
Қасрларда сураб бемалол даврон.
Ноз-неъматлар ичра ёғ босиб яшар,
Шуми адолатинг, халлоқи башар?»
Тангридан Шоирга келди бир нидо:
«Наҳотки, сен учун арзимас асло —
Лиранг жаранглаши асрлар аро?
Уни-чи? Ҳеч кимса олмас ёдига,
Номи қолмас ҳатто зурриётига.
Ахир, танлагансан ўзинг қисматни,
Олтину зар эмас, ўлмас шуҳратни.
Давлатмандга этдим мен дунё ато,
Етса эди унинг идроки, аммо —
Сезсайди ўзининг арзимаслигин,
Сен яхши билгин:
У ўз толедан бўлиб норози —
Сендан кўра кўпроқ нолирди ҳозир».

БҮРИ БИЛАН МУШУК

Ўрмондан қишлоққа ҳаллослаб чоғиб
Кириб келди бир кун очофат Бўри.
Меҳмон бўлиб эмас — бир паноҳ тоғиб —
Ўзин қутқармаса — қурийдди шўри.
Орқадан овчилар тоғи қувдириб
Бўрининг жонини олишди роса.
Қошқийди биронта эшикка кириб
Кўздан яшириниб жонин сақласа.
Аммо дарвозалар бариси қулфлоқ,
Бўривой ҳар томон аланглаб шу чоқ —
Кўзи тушди девор узра Мушукка,
Бошлади шу замон ялинишликка:
«Мушукжон, жон дўстим, айта қол тезроқ,
Бунда деҳқонлардан ким раҳмдилроқ?
Ҳу, қувиб келяпти кўп овчи, тоғи,
Мени душманлардан яширсин ҳозир».
«Ундай бўлса, тезроқ Степанга чоғ,
Кўп раҳмдил одам», — дер Мушук шу топ.
«Йўғ-е, чанг солганман унинг қўйига».
«Балки Демьян қўяр сени уйига?»
Қўрқаманки, қасдин олар у мендан,
Тортиб кетган эдим эчкисин зимдан».
«Трофимга бор-чи?» — «Худо сақласин,
Баҳорда егандим унинг тўқлисин».
«Аҳволинг чатоқ-ку... Эҳтимол, Клим...»
«Оҳ, дўстим, бузоғин қилганман тилим...»
«Ўҳ-ҳў, ишинг беш-ку, қара-я, қуда —
Сен бутун қишлоқни тузлабсан жуда.
Мени яширсин, деб чекма оҳу воҳ,
Бунда тополмайсан ўзингга паноҳ.
Барча ҳаракатинг кетар беҳуда.
Ўзингнинг қилмишинг — ўзингдан кўргин,
Нима эккан бўлсанг — ўшани ўргин».

КАККУ
ВА
БУРГУТ

Мархамат қилдию Бургут бир куні —
Булбулнинг ўрнига қўйди Каккуни.
Каккувой бу янги мансабга миниб,
Гердайиб, баланд бир дарахтга қўниб,
Куй-қўшиқ бобида билган ҳунарин
Қушлар эшитсин, деб ташлади тўкиб.
Қарасаки, қушлар қочишар нари,
Бири кулиб кетар, бошқаси сўкиб.
Беқиёс ранжиди Какку бу ҳолдан,
Бургутга қушлардан қилди шикоят:
«Эй, ҳукмдор, — деди, — фармонинг билан —
Булбул бўлганимдан мамнунман гоят.
Аммо қушлар мени қилишмас ҳурмат,
Устимдан кулишга этишар журъат».
«Дўстим, мен подшоман, эмасман худо, —
Дер Бургут, — беҳуда нолийверма, бас.
Каккуга Булбул деб ном бердим, аммо —
Уни Булбуд қилиш қўлимдан келмас».

ҚҰЙЧИВОН

Савва деган қўйчивон бойнинг қўйин боқарди,
Бирдан камайиб кетди қўйларининг туёғи.
Йигитимиз кўп хафа, тушиб қошу қовоғи,
Қимки унга дуч келса — дoston бўларди дарди.
Жуда очофат бўри бўлган эканмиш пайдо —
Қўрага яқин жойда.
Қўйларини қийратиб, нуқул тортиб кетармиш,
Шартта тишлаб, бўғизлаб, ортга ортиб кетармиш.
Одамлар ачинишар: «Бўри, ахир, бўри-да,
Қўй деганнинг шўри-да».
Ҳамма оёққа турган, бўри йўлин пойлайди,
Лекин ғалати жуда:
Савванинг қозонида —
Гоҳи биқин, гоҳида калла-почча қайнайди.
(Аслида ошпаз эди, қўли эгрилиги-чун
Қишлоққа бўлиб қувғун
Қилинганди подачи,
Овқатнинг мазасини билар эди у пича...)
Бўрини қарғай-қарғай, изларди бутун қишлоқ,
Тўқай титиб чиқилди, топилмас изи бироқ.
Дўстлар, бўлмаёвора, ўйлаб кўринглар бир оз:
Қўйни еган — қўйчивон, бўри — баҳона, холос.

ИККИ БОЛА

Сенюша, бошланмай туриб ҳали дарс,
Юр боққа,
Чўнтагимиз тўлсин ёнғоққа!»
«Қўй, Федя, ёнғоққа бўйимиз етмас,
Биласан-ку, дарахтлар баланд,
Иккаламиз уриниб ҳарчанд
Чиқолмасдан овора бўлиб,
Қўйнимиз пуч ёнғоққа тўлиб
Қайтмайлик-да, ахир, ўртоқжон!»
«Эй, қўйсанг-чи, бу — жуда осон,
Куч етмаса — каллангни ишлат:
Сен тагимдан кўтариб фақат
Чиқарсанг бас пастдаги шохга,
Тўйдираман роса ёнғоққа».
Боққа қараб чопишди дўстлар,
Сеня ёрдам йўлини кўзлар.
Кучаниб, чираниб, ботганча терга
Чиқарди дўстини баландроқ ерга.
Федявой чиқволиб қараса: эҳ-ҳе —
Ёнғоқ демаганинг — сен ею-мен е.
Хоҳ тўлдир чўнтакни, хоҳ ур қурсоққа,
Етиб ортар ҳатто ўртоққа.
Лекин бундан Сеняга не наф,
У бечора пастда ялар лаб.
Федявой тепада ковшаб ёнғоқни —
Дўстига ташларди қуруқ пўчоқни...

Бор дунёда шунақалар ҳам,
Дўсти ёрлар беришиб ёрдам
Кўтарилса юқорироққа
Сўнг уларни олмас пўчоққа.

КАККУ
ВА
МУСИЧА

Ғамгин каккуларди Какку бутоқда
«Нима бўлди, ўртоқ, хафасан бунча? —
Ёқимли ғу-ғулаб сўрар Мусича.—
Ёки илиқ кунлар қолиб узоқда,
Кетиб умримизнинг авжи баҳори,
Шом бўлиб севгининг ажиб наҳори —
Қиш келаётган-чун чекасанми ғам?»
«Ахир, кўз ёш тўкмай иложим қанча? —
Дер Какку, — мен сенга дафтарим очсам —
Дарду ҳасратларим ичимда анча.
Бахтим ярқ этдию ўтган баҳорда
Ўзимга жуфт топиб чакалакзорда,
Ою-куним етиб, кўрдим мен фарзанд.
Аммо болаларим мени олмас тан,
«Онаниз бўламан», десам-да ҳарчанд.
Умидим шумиди, ахир, улардан!
Ҳавасим келади товуқ, ўрдакка —
Жажжи жўжаларин суйса эркалаб.
Мен эсам доимо моховдай якка,
Меҳрини сезмадим шунча болалаб».
«Бечора, чиндан ҳам оғирдир дардинг»,
Бунчалик аламдан ўлар эдим мен.
Хўш, қачон болангни очиб чиқардинг,
Ахир, бирон жойга солганмидинг ин?
Ҳайронман қаердан ин ҳам қурадинг,
Қачон кўрмай — доим санғиб юрадинг».
«Ғапингни қара-ю, бола очай деб
Эсимни ебманми қийнаб ўзимни.
Ин босиб ётмасдан, қилиб бирор эп —

Ўзга уяларга солдим тухумни».
«Ўзинг-ку, тошмеҳр экансан, яна —
Болаларга нега қиласан таъна?» —
Дея жавоб берди унга Мусича.
Баъзи бир отаю онага пича —
Бўлсин дея дарс —
Ёзилди бу масал,
Болалар айбини оқлаш-чун эмас.
Болалар бемеҳр бўлишса агар,
Албатта, бу катта қусур саналар.
Аммо ўсса улар сиздан йироқда,
Меҳрингиздан жудо бўлиб, фироқда,
Қаригач, улардан ҳузур-ҳаловат —
Кўрмасдан нолийсиз, ота-оналар,
Бунга айбдорсиз ўзингиз фақат.

**БУРИ
ВА
ТУРНА**

Бўриларнинг очкўзлиги ҳаммага аён,
Суягини ташлай демас бўри ҳеч қачон.
Шунинг учун бир Бўрининг ҳоли танг бўлди,
Томоғига суяк кетиб, роса бўғилди.
Бўри нафас ола билмас, тупук ютолмас,
Ўлишига қолганди бирпас!
Бахти чоғиб, шу орада Турна кўринди,
Бўри уни чақиргунча тоза уринди:
«Бу азобдан қутқазгин!» — деб қилди илтижо,
Турна бўйнини чўзди Бўри оғзига расо,
Не-не машаққатлар билан суякни олди,
Кейин: «Ҳақ бер!» деган сўзни ўртага солди.
«Ҳазилни қўй! — деб бақирди еб тўймас ҳайвон, —
Ҳақ эмиш-а! Яхшилиқни билмаган нодон!
Аҳмоқ калланг билан узун тумшуғинг-ла, бил,
Томоғимдан омон чиқдинг, шунга шукр қил.
Ошнам, жўна, кўз ўнгимдан йўқолгин тезроқ,
Эҳтиёт бўл, яна кўрсам қиламан чатоқ!»

БУЛБУЛЛАР

Қуш тутувчи битта овчи баҳорда
Булбуллар овлади чакалакзорда.
Солиб қўйди барин бир-бир қафасга,
Булбуллар куйлаша бошлашди аста.

Нима етсин озод қанот қоқмоққа,
Куй-қўшиқ ярашмас экан қамоққа.
Аммо начора,
Сайрашар, аламдан диллари пора.

Улар орасида бир Булбул шўрлик
Чекарди ҳаммадан ортиқроқ хўрлик.
Ўз жуфтидан жудо этилганди у,
Тутқунликда дунё кўзга қоронғу.

Кўзида ёш билан қафасдан қарар,
Қайда қолди маҳбуб, у ширин дамлар?
Булбулнинг юраги қон бўлиб бутун
Азоб чекар эди тинмай куну тун,

Ва ниҳоят деди ўзича ўйлаб:
«Ҳасрат-надоматдан борми сира наф?
Фақат нодон йиғлаб-сиқтар мушкулдан,
Оқил қутулмоқни излайди ундан.

Ой ярим қоронғу, ярмидир ёруғ,
Мен ҳам бу балодан бўларман фориг.
Бизни ейиш учун тутмаган қушбоз,
Сездим, у қўшиққа хийла ишқибоз.
Мабодо, ногоҳон товушим ёқиб
Ва мен бечорага бахт кулиб боқиб —
Шартта тутқунликдан озод айласа!» —
Дед Булбул сайрашга тушди-ку роса,
Эрта тонг саҳардан токи субҳи шом
Булбулнинг «чаҳ-чаҳ»и бўлмасди тамом.

Не бўлди охир?

У ўз қисматини қилди баттарроқ.

Ким ёмон сайраса — ўшани бир-бир—

Чиқариб юборди қафасдан қушбоз.

Булбул-чи? Қанчалик сайрар экан соз —

Шунчалик қўриқлар уни маҳкамроқ.

ЭШАК

ВА

ДЕҲҚОН

Ёз чоғи бир Деҳқон ўз даласига

Ёллади Эшакни қўриқчи қилиб.

Қарға-чумчуқларнинг сур галасига

Егизмасин дея — ҳосилни қўриб.

Содда, ҳалол эди Эшаквой бирам,

Экин япроғига текизмади лаб.

Чўқитмади ҳатто бир донини ҳам,

Очофат қушларни қўймасдан ҳайдаб.

Аммо наф кўрмади полиздан Деҳқон,

Зероки, Эшаквой қушлардан қўриб,

Эгатларни босиб, топтаб, югуриб,

Экинларни тамом қилганди пайҳон.

Меҳнати чиппакка чиққанин кўриб,

Эшакни таёқ-ла савалаб уриб —

Калтак-ла аламин олди-ку Деҳқон.

«Бу кам,— дер кўрганлар,— бўлмаса нодон,

Ақли етмас ишга нега урар қўл?

Эй, беақл махлуқ, бундан баттар бўл!»

Тарафин олмасман Эшакнинг асло,

У, шаксиз айбдор. (олди-ку жазо)

Аммо —

Менимча, гуноҳи ҳеч эмасдир кам,


Полизни Эшакка ишонганнинг ҳам.

ТУЛКИ

ВА

УЗУМ

Оч тулки суқулиб бир боққа кирди,
Ишкомда узумлар товланар эди.
Тулкининг оғзидан оқди сўлакай,
Узумки, бай-бай —
Хўп пишган, ширадор, мисли қаҳрабо,
Баландда осилиб турарди, аммо—
Шуниси чатоқ,
Чиқа олар Тулки қаердан, қандоқ?
Қаранг, кўрмоқ бору, емоқ — мутлақо!
Хийла вақт талпиниб, уриниб бекор
Тулки умид узиб кетаркан базўр —
Алам билан деди: «Емоқ не даркор?
Шундоқ қараганда кўриниши соз,
Лекин узум — ғўр,
Тишинг қамашгани қолади холос.»



ИҮЛОВЧИЛАР

ВА

ИТЛАР

Кечки пайт кўчада икки оғайни
Борар эди, суҳбат қизиган айни.
Бир кўпшак дарвоза ортидан чиқиб
Тўсатдан уларга акиллай кетди.
Шу зумда ҳар ёқдан вовиллаб келиб
Қарабсизки, итлар элликка етди.
Ошнолардан бири тош олди чоғи.
«Қўйсанг-чи, оғайни, — деди ўртоғи, —
Бари бир бу билан тийилмас итлар,
Бекорга қутуриб кетар беш баттар.
Мен яхши биламан уларнинг феълин,
Юравер, ўзлари тинчийди кейин».
Босишган эдики ўттиз-қирқ қадам,
Чиндан ҳам
Итлар аста-секин ҳовридан тушди,
Сал ўтмай барининг овози ўчди.

Худди итлар каби ҳасадчилар ҳам
Нимаиқи кўрса кўтарар ғавғо.
Сен эса йўлингдан қолма, бос қадам,
Ҳасадчи мақсадга етолмас асло.

МУНДАРИЖА

Масал бобокалони. <i>М. Худойқулов</i>	3
Япроқлар ва илдизлар. <i>Ойбек таржимаси</i>	6
Фил ва лайча. <i>Ғ. Ғулум таржимаси</i>	8
Деҳқон билан қарол. <i>Уйғун таржимаси</i>	9
Қурбақа ва ҳўкиз. <i>Миртемир таржимаси</i>	11
Бўри ва қўзичоқ. <i>Ш. Саъдулла таржимаси</i>	13
Қарға билан тулки. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	15
Читтак. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	17
Оққуш, чўртан балиқ ва қисқичбақа. <i>С. Абдуқаҳҳор таржимаси</i>	18
Дуб дарахти ва чўчқа. <i>Ойбек таржимаси</i>	19
Гуллар. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	20
Шер билан тулки. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	21
Соя ва одам. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	22
Маймун ва кўзойнак. <i>Ш. Саъдулла таржимаси</i>	23
Итхонага кирган бўри. <i>Ш. Саъдулла таржимаси</i>	24
Хўроз ва инжу донаси. <i>Миртемир таржимаси</i>	25
Шер овда. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	26
Варрак. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	27
Ниначи ва чумоли. <i>Миртемир таржимаси</i>	29
Чўртан балиқ ва мушук. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	30
Ит билан от. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	33
Бўри ва какку. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	34
Булут. <i>Миртемир таржимаси</i>	36
Бўри ва чўпонлар. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	36
Қаргача. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	37
Хасис ва товуқ. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	38
Фалокат босган деҳқон. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	39
Деҳқон ва илон. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	41
Қўйлар ва итлар. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	41
Бўри билан тулки. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	42
Майна. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	43
Ношуд айиқ. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	44
Чумоли. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	45
Саъва билан каптар. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	47
Какку ва хўроз. <i>Миртемир таржимаси</i>	48
Бўри билан сичқон. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	49
Давлатманд ва шоир. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	50
Бўри билан мушук. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	51
Какку ва бургут. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	52
Қўйчивон. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	53
Икки бола. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	54

Ќакку ва мусича. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	55
Бўри ва турна. <i>Ш. Сағдулла таржимаси</i>	57
Булбуллар. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	58
Эшак ва деҳқон. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	59
Тулки ва узум. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	60
Йўловчилар ва итлар. <i>М. Худойқулов таржимаси</i>	62

На узбекском языке

И. А. КРЫЛОВ

СЛОН И МОСЬКА

(басни)

Ташкент, издательство «Еш гвардия», 1983.
 Переиздание с книги «Басни» И. А. Крылова,
 (Ташкент Издательство литературы и искусства
 им. Г. Гуляма, 1980 г.)

Редактор Ш а м с и О д и л
 Рассом Б. Ш а р и п о в
 Расмлар редактори Х. Ра х м а т у л л а е в
 Техн. редактор Г. А х м а д ж о н о в а
 Корректор С. С а й д о л и м о в

ИБ № 1291

Теришга берилди 1. 10. 1982 й. Босишга рухсат этилди
 14. 02. 1983 й. Формати 70×100¹/₃₂. 1-босма коғозга
 «Школьная» гарнитурда юкори босма усулида босилди.
 Босма листи 2,0. Шартли босма листи 2,58. Нашр
 листи 2,14. Тиражи 10 000. Буюртма № 36. Баҳоси 15 т.
 Шартнома 36—82.

Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитети «Еш гвардия»
 нашриёти Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

ЎзССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси иш-
 лари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия
 ишлаб чиқариш бирлашмаси бош корхонасининг 2-бос-
 махонаси, Янгийўл, Самарканд кўчаси, 44. 1983 й.